

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД-5120200-3.07

2018 йил "18" 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил "25" 08

СТИЛИСТИКА ВА ТАРЖИМА ТАҲРИРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	- Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	- Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120200	- Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг б-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- А.Ф. Рашидова - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси  
Н.М. Қамбаров - ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари номзоди

#### **Такризчилар:**

- М.Т. Ирискулов - ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ бўлим бошлиғи доценти, филология фанлари номзоди  
И. Ибрагимходжаев - Тошкент давлат иқтисодиёти университети, инглиз тили кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, (*турдош ОТМ*);

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “б”-сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Стилистика ва таржима таҳрири юқори курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, мулоқотнинг турли босқичларида тилни фаол эгаллаш, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Стилистика ва таржима таҳрири фани турли мулоқот турлари, жумладан, анъанавий, бадиий ва илмий мулоқотни ўрганиш билан бир қаторда, иш муносабатлари (бизнес, маркетинг, менежмент соҳалари)да ҳам мулоқот малакаларига эга бўлишни тақозо этади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий ва амалий билимлар, амалий кўникмалар, таржима ва таржиманинг ўзига хос хусусиятларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Ушбу назарий-амалий фан дастури таржиманинг икки усули бўйича ўргатилади:

А) матнларнинг ёзма таржимаси ва уларнинг таҳрири

Б) матнларнинг оғзаки таржимаси ва таҳлили

Фанни ўқитишдан мақсад талабаларнинг шахсий фикрларини турли хил усуллар билан ёритишнинг муайян нутқ шароитига мос йўллари аниқлаш ҳамда тилдаги ҳис-ҳаяжонли ҳолатларни ифодалаш учун қўлланиладиган лексик–фразеологик бирикмаларнинг маъно ва вазифаларини таҳлил қилишдир, тилдан фаол фойдаланиш малакаси мулоқотнинг ижтимоий, миллий, психологик томонларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш.

Фаннинг вазифаси бўлажак мутахассисга онгли ўқишни ўргатиш усулларини яхшироқ эгаллаш имконини бериш, асарга юзаки ёндашишнинг олдини олиш, бадиий матнни мураккаб таркибий бутунлик тарзида тушунишни ўргатиш. Тафаккур ва ҳиссиётни сезиш, умумий ғоя ва таъсирчанликни кучайтириш, эстетик дид, бадиий адабиётни ўрганишни юксак маданиятини яратиш имконини бериш.

Стилистика ва таржима таҳрири ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- стилистика лингвистиканинг қисми ва нутқ маданияти назарияси сифатида, функционал услублар тизими, стилистик луғатнинг таснифи, коммуникатив нутқ, стилистик услубларнинг турлари, матн ва матн тури тушунчаларини ажрата олиш, матн таҳлилининг стилистик усуллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши** керак;
- матнни турли услублар ёрдамида таҳрирлаш, тил қурилишининг стилистик усуллари ва хусусиятлари, махсус адабий ва сўзлашув бирликларининг матндаги фарқи ва хусусияти, матн категорияларини **билиши керак**;
- коммуникация турини, ифода этиш шакли ва таҳлил этилиётган матн коммуникатив-прагматик турларини аниқлаш;
- тил тузилишининг барча босқичларида услубий белгиланган бирликларни таниши, уларнинг услубий, коммуникатив-прагматик матн вазифаларини ва миллий-маданий ўзига хослигини аниқлаш, концептуал маъноли бадиий деталлар кўрсатиш усуллари, турлари ва матн мазмунини очишдаги аҳамиятини аниқлашни, муайян ахборот турини буришни, матн асосий категорияларини қўллашнинг тил воситаларини аниқлаш, услубий таҳрир ва бадиий матн таҳлилининг концепти

ва эстетик баҳосини очиш мақсадида адекват таржима қилиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-мавзу. Стилистика ва таржима таҳрири фанининг предмети**

Стилистика ва таржима таҳрири фанини ўқитишда талабаларнинг лексикология, назарий ва қиёсий грамматика, фонетика, адабиётшуностик, тилшуностик, ўрганилаётган тил филологиясига кириш, ўрганилаётган чет тили тарихи каби фанлардан эгаллаган билимларига асосланилади.

#### **2-мавзу. Экспрессив воситалар ва стилистик усуллар**

Тилнинг фонетик (сегмент ва суперсегмент), лексик (сўз яшаш, префиксация, аффиксация), грамматик (морфологик, синтактик) воситалари. Фонетик, лексик ва синтактик стилистик усуллар ҳақида умумий тушунча. Стилистик усулларнинг матндаги функциялари.

#### **3-мавзу. Лексик маъно турлари**

Мантиқий маъно. Эмотив маъно. Номинатив маъно. Турли лексик маъноларнинг стилистик маъно яратишда қўллаш усуллари ва уларнинг функциялари.

#### **4-мавзу. Инглиз сўз таркибининг (луғат бойлигининг) стилистик таснифи**

Умумий маълумотлар. Умумий лексик қатлам турлари. Оғзаки нутқда қўлланадиган сўзлар хусусиятлари. Нейтрал сўзлар ва уларнинг хусусиятлари. Адабий сўзлар ва уларнинг турлари.

#### **5-мавзу. Фонетик стилистик усуллар**

Таклидий сўзлар. Таклидий сўзларнинг турлари. Аллитерация, ассонан. Қофия ва унинг турлари. Ритмнинг матн яратиш хусусиятлари. Матнда хушоҳангликни яратиш йўллари. Фонетик стилистик усулларнинг функциялари.

#### **6-мавзу. Лексик стилистик усуллар (метафора, метаномия, киноя)**

Турли лексик маъноларнинг ўзаро муносабати. Луғавий ва контекстуал мантиқий маъно муносабатлари. Метафора, метаномия ва киноя турлари. Бирламчи ва дериватив мантиқий маъно муносабатига асосланган лексик стилистик усуллар. Сўзларнинг кўп маънолиги, зевгма ва сўз ўйини стилистик усуллари.

#### **7-мавзу. Лексик стилистик усуллар**

##### **(ундов сўзлар, ундалмалар, ташбеҳ, оксиморон, антономасия)**

Мантиқий ва эмотив маънолар муносабатига асосланган лексик стилистик усуллар. Ундов сўзлар, ундалмалар, ташбеҳ ва оксиморонларнинг бадиий матндаги функциялари. Мантиқий ва номинатив маъно муносабатларига асосланган антономасия лексик стилистик усули ва унинг бадиий матндаги функциялари.

#### **8-мавзу. Лексик стилистик усуллар**

##### **(ўхшатиш, перифраз, эвфимизм, муболаға)**

Нарса ёки ҳодисанинг муайян хосса ёки хусусиятларини бўрттиришга асосланган лексик стилистик усуллар. Ўхшатиш, перифраз, литота, градация, антитеза, аллюзия, ўзлаштирма гап тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазибалари.

#### **9-мавзу. Лексик стилистик усуллар (қолип сўзлар, мақол ва маталлар, эпиграммалар, иқтибос, аллюзия)**

Қолип сўзлар, мақол ва маталлар, эпиграммалар, иқтибос, аллюзияларнинг стилистик мақсадларда қўлланиши ва уларнинг бадиий матндаги функциялари.

#### **10-мавзу. Синтактик экспрессив воситалар ва стилистик усуллар**

Гап ва уларнинг таркибий қисмлари. Синтактик бутунлик. Параграф. Стилистик инверсия. Ажратилган гап бўлаклари. Параллел конструкциялар. Тескари параллел конструкциялар (Хиазма). Такрор ва унинг турлари. Такрорнинг функциялари. Гапнинг уюшиқ бўлаклари стилистик усул сифатида. Кульминация ва антитезанинг бадиий матндаги ўрни.

#### **11-мавзу. Синтактик стилистик усуллар (полисиндетон (тиниш белгиларининг кўп қўлланиши), асиндетон (гапнинг тиниш белгиларисиз қўлланиши) ва риторик сўроқ гап)**

Синтактик стилистик воситаларнинг лисоний аҳамияти ва вазифалари. Гап қурилишидаги ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: полисиндетон (тиниш белгиларининг кўп қўлланиши), асиндетон (гапнинг тиниш белгиларисиз қўлланиши) ва риторик сўроқ гап. Оғзаки нутқдаги гап таркиби ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: эллипсис, литота, тугалланмаган гап, ажратилган конструкция.

#### **12-мавзу. Функционал услублар. Бадиий услуб**

Функционал услублар тури. Бадиий услуб. Бадиий услубнинг хусусиятлари. Насрий, шеърий ва драма матнлари. Бадиий услубда қўлланадиган сўзларнинг стилистик жиҳатлари. Бадиий услубда қўлланадиган сўз қатламлари: терминлар, шеърий сўзлар, архаик (эскирган) сўзлар, тарихий сўзлар, варваризмлар, чет тилидан кирган сўзлар, ўзлашма сўзлар, неологизмлар.

#### **13-мавзу. Публицистик услуб**

Публицистик услуб хусусиятлари ва турлари. Нотиқ ва нотиклик услуби. Эссеялар ва уларнинг стилистик хусусиятлари. Турли мақолалар. Оммавий чиқишлар услуби. Публицистик услубнинг лингвостилистик жиҳатлари.

#### **14-мавзу. Газета услуби**

Қисқа янгиликлар ва уларнинг стилистик хусусиятлари. Сарлавҳалар ва уларнинг лингвостилистик хусусиятлари. Эълон ва рекламаларнинг лингвостилистик хусусиятлари. Бош мақоланинг лингвостилистик жиҳатлари.

#### **15-мавзу. Илмий услуб**

Илмий услубнинг хусусиятлари. Термин ва терминларнинг лингвостилистик хусусиятлари. Илмий услубда қўлланадиган қолип сўз ва иборалар.

#### **16-мавзу. Расмий ҳужжатлар услуби**

Иш қоғозлари тили. Юридик (расмий) қоғозлар тили. Дипломатик ҳужжатлар тили. Ҳарбий ҳужжатлар тили. Расмий қоғозларда (ҳужжатларда) қўлланадиган сўз ва иборалар. Расмий ҳужжатда қўлланадиган қолип сўзлар хусусиятлари.

#### **17-мавзу. Таржимани таҳрир қилиш асослари**

Электрон таржимонлар томонидан қилинган таржималарни таҳрир қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Таржимани таҳрир қилишнинг лингвостилистик жиҳатлари. Таржима матнини таҳрир қилишда қўлланадиган белгилар.

#### **18-мавзу. Таржима матнини таҳрир қилиш. Мухаррир иши.**

Муҳаррирлик хусусиятлари. Қоғозда бажарилган таржимани таҳрир қилиш. Таҳрирнинг лингвистик ва стилистик жиҳатлари. Таржима таҳририни амалга оширишда қўлланадиган справочник, маълумотнома ва луғатлар. Корректур.

#### **IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. The Subject Matter of Stylistics and Editing of Translation.
2. Stylistic Means and Stylistic Devices.
3. Types of Lexical Meaning.
4. Logical Meaning.
5. Nominative Meaning.
6. Emotive Meaning.
7. Stylistic Differentiation of the English Vocabulary.
8. Phonetic Stylistic Devices.
9. Lexical Stylistic Devices.
10. Syntactical Stylistic Devices.
11. Functional Styles
12. Belles-lettres Style.
13. Publicist Style.
14. Newspaper Style.
15. Official Style.
16. Scientific Style.
17. Editing of Translation.
18. Procedure of Proofreading.
19. Editing Signs.
20. Translation and Text.

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Comparative Study of Functional Styles.
2. Language Features and Functions of Special Literary Words.
3. Language Features and Functions of Colloquial Words.
4. Comparative Study of Metaphor/Metonymy.
5. Comparative Study of Epithet/ Oxymoron/ Hyperbole.
6. Lingua-cultural Peculiarities of Antonomasia/ Simile.
7. Lingua-cultural Peculiarities of Periphrasis/ Litotes.
8. Comparative Study of Repetition.
9. Lingua-cultural Peculiarities of Rhetorical Question.
10. Lingua-cultural Peculiarities of Phonetic SD.
11. Stylistic Usage of Synonyms.
12. Stylistic Usage of Idioms.
13. Stylistic Usage of Proverbs.
14. Stylistic Usage of Word-formation Patterns.
15. Stylistic Role of Foreign Words in Literary Texts.

16. Convergence of Stylistic Devices in Literary Texts
17. The Language of Poetry.
18. Basics of Editing.
19. Signs Used in Editing.
20. Proofreading and its Linguostylistic Features.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади. Мавзулар талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Алимов В.В. Основы редактирования перевода // Теория перевода. Перевод в сфере профессиональной коммуникации.- Минск: УРСС, 2005. С. 143-152.
2. Бобоханова Т.А. Инглиз тили стилистикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995. – 144 б.
3. Мусаев Қ. English Stylistics. – Tashkent: Adolat, 2003. -312 p.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 46 б.
5. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va technology, 2014. – 476 с.
6. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. – М.: Юрайт, 2012. – 671 с.
7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
8. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.
9. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. М.: Высшая школа, 2004.
10. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981

11. Кухаренко В.А. Практикум по стилистике английского языка. М.: Высшая школа, 1986.
12. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. М.: 1988
5. Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. Л.: Учпедгиз, 1960.
13. Мороховский А.Н. Стилистика английского языка. Киев: Вища школа, 1984.
14. Мусаев К. English stylistics. Т.: Адолат, 2003

### **Интернет сайтлари**

1. Website dedicated to linguistics: [www.linguist.org](http://www.linguist.org)
2. Русский филологический портал: [www.philology.ru](http://www.philology.ru)
3. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
4. [www.dissercat.ru](http://www.dissercat.ru)
5. [www.nauka.ru](http://www.nauka.ru)
6. [www.dissorg.com](http://www.dissorg.com)
7. [www.uzscience.uz](http://www.uzscience.uz)